

Боев Х.И.,

Тошкент давлат иқтисодиёт университети
«Иқтисодиёт назарияси» кафедраси доценти;

Адилов Б.Б.,

Тошкент давлат иқтисодиёт университети
«Иқтисодиёт назарияси» кафедраси доценти

КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШ ЗАМИНИДА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯЛАШНИ АМАЛГА ОШИРИШ

БОЕВ Х.И., АДИЛОВ Б.Б. КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШ ЗАМИНИДА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯЛАШНИ АМАЛГА ОШИРИШ

Мақолада корпоратив бошқарувнинг моҳияти, мазмуни, асосий вазифалари ҳамда усуллари ҳақида фикр юритилган бўлиб, ижтимоий ҳаётдаги муносабатлар таҳлил этилган.

Таянч иборалар: ижтимоий сиёсат, ижтимоий ҳимоя, корпоратив бошқарув, корпоратив корхоналар, мулкчилик муносабатлари, маҳаллий бошқарув, ҳокимиятлар, жамоа ташкилотлари, маҳаллалар.

БОЕВ Х.И., АДИЛОВ Б.Б. ОСУЩЕСТВЛЕНИЕ СОЦИАЛЬНОЙ ЗАЩИТЫ НАСЕЛЕНИЯ В ОСНОВЕ ОРГАНИЗАЦИИ КОРПОРАТИВНОГО УПРАВЛЕНИЯ

В статье рассмотрены сущность, содержание корпоративного управления и его основные функции, а так же проанализированы виды отношений социальной жизни.

Ключевые слова: социальная политика, социальная защита, корпоративное управление, корпоративные предприятия, отношения собственности, местные органы власти, трудовые организации, махалли.

BOYEV X.I., ADILOV B.B. IMPLEMENTATION OF SOCIAL SECURITY AT THE HEART OF CORPORATE GOVERNANCE

There is discussed in the article the meaning and main objects of a corporative management. Types of relationship in the corporate community are as well analyzed.

Keywords: social policy, social protection, corporative management, corporative companies, the attitude of ownership, local management, authorities, union organizations, neighbor hoods.

Дунёдаги ҳар бир давлат аҳолига ижтимоий ёрдам кўрсатиш сиёсатини олиб бориши натижасида ижтимоий муаммолар давлат ёрдамида бартараф этиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 19 апрелдаги «Хусусийлаштирилган корхоналарни корпоратив бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 189-сонли қарори ҳаётга татбиқ қилиниши туфайли корпоратив бошқарувнинг вужудга келиши иқтисодий ривожланишга ижобий таъсир кўрсатиб, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож табақаларининг корхоналар томонидан ҳимояланишини ташкил этиш ва бу жараённи бошқаришни такомиллаштириш асослари яратиб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4720-сонли Фармонида халқаро тажрибани чуқур таҳлил қилиш ва шу асосда замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш, ишлаб чиқариш, инвестиция, моддий-техник, молиявий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш; чет эл капитали иштирокида акциядорлик жамиятларини ташкил этиш, акциядорлик жамиятларига хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш учун қулай шароитлар яратиш лозимлиги белгилаб қўйилди¹. Ҳақиқатан ҳам, мамлакатимиздаги мавжуд акциядорлик жамиятлари текширилганда, улардан 364 та акциядорлик жамияти замон талабларига жавоб бера олмаслиги аниқланди. Бундай жамиятлар ўрнида хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш орқали янги акциядорлик жамиятлари яратилиши зарур.

Бугунги кунда ривожланган мамлакатларнинг корпоратив бошқарув моделлари, мамлакатларнинг иқтисодий ривожлани-

шида ўз ўрнига эга. Буларни шартли равишда қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

1. Англо-америка модели.
2. Ғарбий Европа (Германия, Франция, Швеция ва ҳ.к.) моделлари.
3. Япония модели.
4. Хитой модели.

Америка, Европа ва Япония мамлакатларида корпорация субъектларини аниқлашда бир фикр мавжуд бўлиб, корпорациялар моддий манфаатдорлик бўйича аввало мулк эгалари, бошқарувчи ҳамда корпорацияларда ишловчи ходимлар ўртасидаги иқтисодий муносабатларни ифодалаб беради².

Корпоратив бошқарувнинг Япония моделида субъектларнинг асосий акциялар қисми банклар ёки молиявий институтларда сақланади. Японияда йирик акционерлар тўғридан-тўғри директорлар кенгашига аъзо сифатида киритилган³.

Германия корпоратив бошқарувини бугунги кунда ўрганиш асосида шу хулосага келиш мумкинки, молиявий воситачилик билан бирга қимматли қоғозлар бозорининг юксалиши кузатилмоқда⁴.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Акциядорлик жамиятларида замона-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4720-сонли Фармони. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 17-сон, 204-модда.

² Мансуров О. Республикада корпоратив бошқарувнинг ривожланиши хусусиятлари. // «Бозор, пул ва кредит» журнали, 2006, 6-сон.

³ Ўша жойда.

⁴ Ўша жойда.

вий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида «Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссияси бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда Германия ҳамда бошқа ривожланган давлатларнинг муваффақиятли тажрибаси асосида 2015 йил 1 августга қадар Корпоратив бошқарув кодексини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин» деб белгилаб қўйилган. Халқаро амалиётни инобатга олган ҳолда, ягона корпоратив бошқариш соҳасидаги хориж тажрибасини Ўзбекистонда жорий этиш иқтисодиёт ва жамиятда бошқариш тизимининг жаҳон талаблари даражасида юксалиб боришини таъминлаб, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва ижтимоий таъминотиغا янгича ёндашувни амалга оширишга йўналтиради.

Аҳолига ижтимоий ёрдам кўрсатишни ташкил этиш ҳамда уни бошқариш катта молиявий маблағ талаб этади. Бу молиявий маблағлар давлатнинг марказлаштирилган ҳолда амалга ошириб келаётган ижтимоий муҳофазаси орқали аҳолининг муҳтож қатламларига моддий ёрдам сифатида етиб бормоқда. Шу билан бир қаторда, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож гуруҳларига ижтимоий ёрдам кўрсатиш жамият миқёсида ва корпоратив корхоналар манфаатлари бўйича ҳаётий заруриятга айланиб бормоқда. Ижтимоий ҳаёт икки хил муносабатлар асосида ривожланиб боради:

- ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан мулкчиликка асосланган муносабатлар;
- хўжалик юритишнинг ташкилий иқтисодий муносабатлари.

Бозор иқтисодиёти шароитида айнан ташкилий-иқтисодий муносабатлар ўзаро иқтисодий фаолиятнинг бошқарув усули деб ёндашилиб, корпоратив бошқарув деб қаралади. Корпоратив бошқарув, маълум корхона миқёсида иқтисодиётнинг ижти-

мой-иқтисодий ҳамда ташкилий таркибинини ташкил этади. Аҳолини ижтимоий ҳимоялашни ташкил этиш давлат томонидан ҳокимиятлар, маҳаллий бошқарув органлари, корпоратив корхоналар, жамоа ташкилотлари, маҳаллалар томонидан амалга оширилади. Аммо аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг муҳим тамойили – унинг илмий жиҳатдан асосланганлиги бўлиши керак.

Давлат бозор иқтисодиёти шароитида марказлашган ҳамда даромадларни қайта тақсимлаш орқали аҳолининг ижтимоий эҳтиёжларини қондириш сиёсатини амалга оширган бўлса, ҳозирги кунда давлат аҳолига корпоратив корхоналарга иқтисодий эркинлик, фуқароларга ўз-ўзини ижтимоий ҳимоялаш учун қонуний асосларни яратиб берди. Ҳозирги кунда корпоратив бошқарув тизимидаги корхоналар замонавий ҳалқаро корпоратив менежмент стандартларини жорий этиши туфайли ходимларнинг ижтимоий эҳтиёжларини қондиришда корпоратив корхоналар олиб бораётган ижтимоий сиёсат асосан корхона ходимларини ижтимоий ҳимоялашга асосланмоқда.

Мамлакатимизда корпоратив корхоналар 2000 йилдан бошлаб ташкил этилди, унинг бошқарув самарадорлигини яхшилашга ижтимоий муаммоларни ҳал этишдаги роли йил сайин такомиллашиб бормоқда. Республикаимизда корпоратив бошқарув миллий иқтисодиётимизнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда корпоратив концерн, саноат холдинглари, акционерлик жамиятлари, масъулияти чекланган жамиятлар ва қўшма корхоналар шаклида йил сайин кўпаймоқда. Шуни таъкидлаш лозимки, корпоратив бошқарув муносабатлари давлатнинг олиб бораётган ижтимоий-иқтисодий сиёсати билан чамбарчас боғлиқдир. Иқтисодий ривожланиш, аҳолининг ижтимоий талабларини қондириб бориш, ишчи ва хизматчиларга салбий таъсир этувчи омиллардан ҳар томонлама ҳимоялаш

корпоратив корхоналарнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Корпоратив бошқарув одамларни ўз манфаатдорлигини бошқа мутахассислар ёрдамида ишлаб чиқиш, корхонани бошқаришни ҳамда ходимларни ижтимоий ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратади. Ҳар қандай корпоратив корхона ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, маҳсулот таннархини пасайтириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини оширишни асосий вазифалари деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов ўз маърузаларида таъкидланганидек, бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсия ва стипендиялар ҳажми 2014 йилда 23,2 фоизга ошди. Аҳолининг жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар эса 10,2 фоизга кўпайди¹.

Шулар билан бир қаторда, аҳолини бозорнинг салбий таъсиридан ижтимоий ҳимоялаш учун давлат ва корхоналар ҳам маълум чора-тадбирларни амалга оширмоқда.

Корхона ва ишчи ўртасидаги муносабатлар шартнома асосида расмийлаштирилиши, шартномага биноан ишчиларга иш ҳақи берилиши қайд этилган бўлиши, у ижтимоий институт сифатида намоён бўлиши зарур, деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2011 йил 30 майдаги «2011–2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-1542-сонли Қарорига мувофиқ, «2011–2015

йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар Дастури» ишлаб чиқилганлиги муҳимдир. Дастурда қуйидагилар белгилаб қўйилган:

1. Ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларга ижтимоий хизмат кўрсатишнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш.

2. Ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, уларга кўрсатилаётган ижтимоий хизматлар турларини кенгайтириш ва сифатини ошириш.

3. Ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни мақсадли даволаш ва соғломлаштиришни янада такомиллаштириш, тиббий-ижтимоий реабилитация чораларни кучайтириш.

4. Ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларнинг уй-жой ва маиший шароитларини янада яхшилаш, тиббий-ижтимоий муассасаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш.

Давлат дастурининг бажарилишида корхоналар ҳам ўзининг иштироки билан аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож табақаларига моддий ёрдам кўрсатишда фаол иштирок этиши, корхоналар ўз ходимларини ижтимоий ҳимоялашда, аввало, уларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш, соғлиғини сақлаш, аёлларга оилавий вазифаларни бажариш билан ишлаб чиқаришдаги фаолиятни биргаликда олиб боришларига имкониятлар яратиш, ўз малакасини оширишга интиланган ёшларга ўқишлари учун шарт-шароитлар яратиш ва ёрдамга муҳтож ходимларга имтиёзли ижтимоий хизмат кўрсатиш ҳамда моддий жиҳатдан қийналганларга молиявий ёрдамлар кўрсатиши белгиланган.

Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириб келаётганлиги туфайли, мавжуд мулкчилик шакллари янада такомиллаштирилди. Жумладан,

¹ Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. / Ўзбекистон Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якуналари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // «Халқ сўзи», 2015 йил 17 январь.

корпоратив ишлаб чиқаришнинг шакли бўлган акционерлик жамиятлари ҳамда уларнинг фаолиятлари дастлаб 2000 йилдан бошлаб вужудга келган ва давлат тасарруфидан чиқарилган корхоналарнинг маълум қисми акционерлик жамиятларига айлантирилиб, уларнинг фаолияти корпоратив корхоналар шаклида ташкил этилди ва мамлакатимизда корпоратив корхоналар фаолиятини бошқариш соҳасини илмий асосда ўрганишга алоҳида эътибор берилди.

Ўзбекистон олимлари корпоратив корхоналарни бошқариш бўйича аввало хорижий мамлакатлар АҚШ, Япония, Сингапур, Хитой, Германия, Франция, Англия ва бошқа мамлакатлар тажрибасини назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиб, мамлакатимиз иқтисодиётининг ўзига хос томонларини ҳисобга олган ҳолда, хориж тажрибасидан фойдаланишни таклиф этдилар. Корпоратив бошқаришни ўрганишда мамлакатимиз олимларидан А.А.Хошимов¹, О.Б.Мансуров², Х.И.Боев³ ва бошқа иқтисодчи олимлар корпоратив бошқарув бўйича олиб борган илмий изланишлар давом этмоқда.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони бу соҳани ўрганиш ва ривожлантиришга доир кўрсатма ва кенг имкониятларни яратиб берди. Фармонда корпоратив бошқарув тизимини янада ривожлантириш бўйича қуйидаги кўрсатмалар берилган:

- халқаро тажрибани чуқур таҳлил қилиш ва шу асосда замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш, ишлаб чиқариш, инвестиция, моддий-техник, мо-

лиявий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;

- эски бўлинмалар ва лавозимларни тугатиш, замонавий халқаро стандартлар ва бозор иқтисодиёти талабларига мос янги бўлинма ва лавозимларни жорий этишни инobatга олган ҳолда, акциядорлик жамиятларини бошқариш тузилмасини тубдан қайта ташкил этиш.

Мамлакатимизда корпоратив бошқаришнинг дунёдаги энг илғор усуллари қўллаш орқали бу жараёнларни амалга ошириш белгиланган.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач бошқа мустақил давлатлар каби унинг олдида қатор муаммолар ҳам пайдо бўлди. Бу асосан собиқ шўролар олиб борган нотўғри сиёсатнинг маҳсули эди. Жумладан, собиқ совет тузуми 75 йил ичида саноат ва замонавий корхоналарни Россия, Украина ва бошқа ҳудудларда барпо этиб, Ўзбекистонни фақат хом ашё ишлаб чиқарадиган ҳудудга айлантирган эди. Номигагина барпо этилган корхоналарда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилмасди, балки Россия, Украина ва Белоруссияда ишлаб чиқарилган деталларни Ўзбекистонга олиб келиб йиғиш амалга оширилди эди. Республика аҳолиси асосан қишлоқ хўжалиги билан банд қилиб қўйилди.

Ўзбекистон ҳукумати эски тузум иллатларини тугатиш бўйича янги иқтисодий ривожланиш дастурини ишлаб чиқди ва унга асосан қишлоқ хўжалиги ва саноатнинг ривожланиши жаҳондаги энг йирик давлатларнинг янги технологияларидан фойдаланиб ҳамда чуқур ислохотларни амалга ошириб, ўз мақсадларига эришиб келмоқда. Шу билан бирга Президентимизнинг ташаббуси билан мамлакат миқёсида кучли ижтимоий сиёсат олиб борилмоқда.

Аҳолини мақсадли ижтимоий ҳимоялаш марказлашган тарзда ҳамда корхоналар, ташкилотлар, маҳаллалар томонидан моддий ёрдам бериш орқали амалга оширилмоқда. Бозор шароитида корхоналар ўз хо-

¹ Хошимов А.А. Корпоратив бошқарув шаклидаги тузилмаларнинг ривожланиш истиқболлари. – Т.: «Фан», 2013.

² Мансуров О.Б. Бозор иқтисодиёти шароитида корпоратив бошқарув. – Т.: «Молия», 2012.

³ Боев Х.И. Аҳолини ижтимоий ҳимоялашни ташкил этиш ва бошқариш муаммолари. – Т., 2012.

димларини ижтимоий ҳимоялаш ва олинаётган даромадларнинг маълум қисмидан болалар уйлари, қариялар пансионатларига ёрдам тариқасида беришни амалга ошириши натижасида ижтимоий соҳаларга молиявий маблағ сарфлаётган корхоналарга рағбатлантириш мақсадида солиқ имтиёзлари, имтиёзли кредитлар ва бошқа воситаларни қўллаш орқали давлат томонидан қўллаб-қувватланиб келинмоқда.

Бозор муносабатлари жамиятимизда ривожланиб борар экан, аҳоли ўртасида фаол тарзда фаолият олиб борувчилардан ташқари, вақтинча меҳнатга лаёқати бўлмаганларни (касаллиги, ногиронлиги ва ҳ.к. сабабли) давлат томонидан ижтимоий ҳимоялашнинг янги йўналишининг ҳуқуқий базаси яратилди. Энди аҳолини ижтимоий ҳимоялашда манзилли усул амалга оширилиб келинмоқда. Буни амалга оширишда давлат томонидан ҳар бир фуқаронинг оладиган даромади назорат қилиниб, белгиланган минимал иш ҳақи даражасидан паст даромад оладиган фуқаролар, ногиронларга манзилли ижтимоий ёрдам берилади.

Ҳозирги кунда давлатнинг аҳолини ижтимоий ҳимоялаш марказлашган тизими билан ҳамкорлик қилаётган ва аҳолини ижтимоий ҳимоялашда иштирок этаётган корхона, ташкилот ва тадбиркорлар давлат томонидан солиқ имтиёзлар бериш орқали рағбатлантирилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, фақат давлат томонидан берилаётган марказлаштирилган ижтимоий ёрдамлар билан кифояланиб қолмай, балки корхоналар ҳам ходимларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни ошириб боришлари объектив заруриятдир. Гап шундаки, бозор иқтисодиёти рақобат асосида ривожланар экан, бунда, аввало, нархларнинг тебраниб туриши, кам даромад оладиган, боқувчисини йўқотган, кексалар, болалар, ўқувчилар, талабалар, ногиронлар, ҳомиладор аёллар моддий аҳволи бирмунча ўзгариши мумкин. Республикамизда корхона, фирма, ташки-

лот, фермер хўжаликлари ҳозирда аҳоли фаровонлигини ошириш борасида ҳомийлик, ишга жойлаш ва бошқа имкониятлардан фойдаланиб келишмоқда.

Давлат аҳолини ижтимоий ҳимоялашга корхона, ташкилот, фермер хўжаликлари ва тадбиркорларни турли усуллар билан жалб қилиши натижаси унчалик юқори даражада эмас. Хорижий мамлакатларда акциядорлик базасида ташкил этилган корпоратив корхоналар йирик ишлаб чиқариш ва молиявий жиҳатдан мустаҳкам корхоналарга айланган. Жумладан, Япония корхоналарида ўз ходимларини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга катта эътибор берилади ва ходим учун корхона тирикчилик манбаига айланганлигини билиб, асосий вақтини корхонанинг равнақига сарфлайди. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизда корпоратив корхоналарни шундай ташкил этилиши лозимки, юқори малакали замонавий кадрларни тайёрлаш, ватанпарварлиги, маънавияти, билими ва иродаси кучли бўлган инсонларни раҳбарлик лавозимларига тавсия этиш, керак деб ҳисоблаймиз. Бунинг учун қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади:

– мамлакатимизнинг барча ҳудудларида менежмент ва менежерлар марказини очиб, кадрларни замонавий талаблар, илғор ижтимоий йўналишларни ўзгартирган ҳолда тайёрлашни йўлга қўйиш керак;

– корпоратив корхоналарни молиявий жиҳатдан турли имтиёзлар ҳамда ривожланиш стратегиясини замон талаблари асосида қўллаб-қувватлаш, маблағларни ходимлар ва аҳолига ижтимоий ҳимоялаш учун тўғри сарфлашда уларга ёрдам беришни шакллантириш;

– олий таълим муассасаларида менежер ва менежмент йўналишлари бўйича замонавий кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни йўлга қўйиш;

– малакали мутахассисларни ривожланган давлатларнинг олий таълим муассаса-

ларида, йирик корпорацияларда билимлари, савияларини оширишга ҳамда амалиёт ўтказишга юбориш;

– мамлакат миқёсида энг яхши менежмент, маркетинг ва менежер мутахассислиги бўйича республика танловларини ўтказиш ва ғолибларни давлат ва чет эл грандлари билан тақдирлаш;

– мактаб, лицей ва коллежларда замонавий стандартлар асосида иқтисодий билимларни ўқитиш ва менежмент, корпоратив бошқарув, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, замонавий иқтисодиёт фанлари бўйича дарсликлар тайёрлаш лозим.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. / Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // «Халқ сўзи», 2015 йил 17 январь.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2011 йил 30 майдаги «2011–2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-1542-сонли Қарори. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 22-сон, 229-модда.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4720-сонли Фармони. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 17-сон, 204-модда.

4. Хошимов А.А. Корпоратив бошқарув шаклидаги тузилмаларнинг ривожланиш истиқболлари. – Т.: «Фан», 2013.

5. Мансуров О.Б. Бозор иқтисодиёти шароитида корпоратив бошқарув. – Т.: «Молия», 2012.

6. Боев Х.И. Аҳолини ижтимоий ҳимоялашни ташкил этиш ва бошқариш муаммолари. – Т., 2012.